



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 5 январь, шанба

• №01 (11.389)

• Эркин Наҳда сотилади

ЯНА БИРГАМИЗ, АЗИЗ ГАЗЕТХОН!

Газета билан газетхоннинг ҳар бир учрашуви — бир воқеа. Мана бугун ҳам Сиз, азиз замондош, ўз газетангиз — «Тошкент ҳақиқати» билан учрашиб турибсиз. Бу бизнинг янги — 2002 йилдаги илк учрашувимиз.

Бу алоҳида учрашув эканлигини англаб, муайян даражада ҳаяжонланмоқдасиз, ўзингизни қизиқтирган саволларга газета саҳифаларидан ўрин олган материаллардан жавоб изламоқдасиз.

Ҳар бир шундай учрашув Сиз фаол аъзо бўлган жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, мустақил Ўзбекистон давлати раёнидаги дадил қадамлар ҳақида ўзаро фойдали мулоқотдир. Газета сизни Ватанимизда амалга оширилаётган кўламли ишлар, шахар ва қишлоқларимизда юз бераётган янгиликлар билан таништиради, замондошларимиз ҳаёти, меҳнати, изланишлари дунёсига олиб киради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан «Оналар ва болалар йили» деб номланган вақт бўлаги тарихга айланди. Газетамизнинг ўтган бир йилги тахлами эса, бу ўзига хос тарихнинг солномаси бўлиб қолди. Уни арақлаб, бугун ўзининг буюк келажаги сари собит қадам ташлаётган халқ ва жамият ўтган бир йилда нималарга эришгани, ўз Ватани раёнига йўлида қандай муаммоларни ҳал қилгани билан танишиш мумкин. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари гулдастасидаги бир гул — «Тошкент ҳақиқати» бу жараёнда ўз кўринишига, мазмун-моҳиятига, изчил йўналишига эга. Газета вилоятимизда ислохотларнинг бориши, катта-кичик меҳнат жамоалари шу йўлда орттираётган ибратли тажрибалар, азалий кадрларимизнинг кадр топиши ва баркамол инсонларни тарбиялашдаги ўрни, тадбиркорликнинг ривож ва муаммолари каби масалалар ҳақида муттасил ҳикоя қилиб, ранг-баранг мавзуларни ёритиб келмоқда.

Бугунги учрашувларингизнинг хусусияти ҳам алоҳида. Бугун «Тошкент ҳақиқати»ни бир йўла, айни бир вақтда 12 мингга яқин газетхон кўлга оляпти. Газетамизнинг бир галги нусхаси шунчага етди. Бу — ўз газетангизга Сизнинг ишончингиз, ундан ўзингиз учун фойдали гап кутганингиз натижаси. Бу — давлат, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари, кадрдон ва азиз матбуот тарқатувчиларимиз «Обуна-2002» тадбирини қунончилик билан ўтказганликлари самараси. Ишончингиз, ёрдамингиз, қўллаб-қувватлаганингиз учун минг раҳмат!

«Тошкент ҳақиқати» эса, ўз аъналарига содиқ қолади, ишончин-

гизни оқлайди. Зеро, газетанинг ўз ўқувчилари камолоти, манфаати, орзу-иштиёқига хизмат қилишдан, ҳар бир меҳнат жамоасига, ўзи кириб бораётган хонадонларга, уни қўлга олиб, ишга тўтинган кишилар қалбига мустақиллик мафқурасини синдиришдан, миллий ривожланиш ва ўзлгимизни етти иқлимга намоён этиш амалиёти билан таништиришдан улғу мақсади йўқ. Ижодий жамоамиз бу йўлда тинмай изланаверади, газета материаллари ўқишли, қизиқarli, ҳозиржавоб бўлиши учун бутун иқтидори, истеъдодини сарфлайверади.

Бундай жўшқин ижодий изланишлар кўлами эса муттасил кенгайиб бормоқда. Кун йўқки, айтилик, вилоятимизнинг ҳар бир шаҳрида, туманида, қишлоғида бирор янгилик содир бўлмасин. Жамоат ташкилотлари, нодавлат тузилмалар, давлат бошқарув идоралари, ҳуқуқ-тартибот органларининг кундалик ишлари-чи? Тадбиркорлик ва хусусий ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар-чи? Илм-фан янгиликлари, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт соҳаларидаги қизгин ишлар-чи? Тарбия соҳасидаги амалиёт, мавжуд муаммоларнинг ўзи бир олам мавзу беради ижодкорга. Мустақил давлатимиз халқаро майдонда олиб бораётган ишлар, халқаро ҳаёт янгиликлари ҳам газетамиз саҳифаларида катта ўрин эгаллайди.

Бу йилги энг муҳим жиҳат шундан иборатки, ҳар бир сўзимиз ва ишимиз «Қарияларни қадрлаш йили» узра қизил ип бўлиб ўтади. Биз бугунги ҳаётимиз, эркимиз, озод меҳнатимиз учун аждодларимиз, кекса авлод олдида бир умр қарздоримиз. Шу туйғу «Қарияларни қадрлаш йили» тадбирларига йил-ўн икки ой алоҳида руҳ бағишлайди ва газета саҳифаларида ўз ифодасини топиб боради.

Янги давр — учинчи минг йилликка яна бир қадам қўйдик. Газетамизнинг ҳар бир наشري келгуси авлодлар учун бугунги турмушимиз ҳақидаги ёрқин ҳикоя бўлиб қолади. Сиз эса, азиз газетхон, ҳозир бу нашрларни мунтазам ўқиб борасиз, ундан ўзингиз учун фойдали маслаҳатлар оласиз. «Тошкент ҳақиқати» Сизнинг ҳамishaлик суҳбатдошингиз, маслаҳатчингиз, Сиз учун янги фикрлар ва режаларнинг шаффоф булоғи бўлиб қолаверади. Биз ҳамisha Сиз биланмиз.



ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ ЯНГИЙЎЛДА

Янги йил байрами болаларга олам-олам қувонч бахш этади. Мана ўн йилдирки, Юртбошимиз ташаббуслари билан ҳар янги йилда Ватанимиз болажонлари учун Президент арчаси ясатилиб, соғва-саломлар ҳозирланади. Ушбу анъана бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Жойларда байрам кечалари, янги йил тадбирлари кичкинтойларни беҳад хушнуд этмоқда.

Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» байрами ҳам вилоятимизда яшовчи болаларга бир дунё завқ улашди.

Тадбирда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги 2 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, бо-

лалар уйлари ва муассасаларининг тарбияланувчилари иштирок этдилар.

Катта арча атрофида уларнинг шўх-шодон ўйин-кулгилари, куй-кўшиқлари янграб, байрамга ўзгача тароват бағишлади. Айниқса, Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонларининг чиқишлари, шунингдек, «Қувнок ёшлигим» ва «Томоша» гуруҳларининг

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда «Бандлик» дастурида 2001 йилга мўлжалланган вазифаларнинг ижроси хусусидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессияни вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

«Саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган Дастури» бўйича вилоятда бугунги кунда 61 лойиҳа, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес корхоналари бўйича 12 лойиҳа ишлаб чиқилган. 24 корхонада 33 турдаги импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Натижада четдан хомашё келтириш сезиларли равишда қисқарди, бутловчи, эҳтиёт қисмлар, кенг истеъмол

моллари ишлаб чиқариш 33,8 миллиард сўмга етди. Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» бирлашмаси, «Каолин» корхонаси, «Саноатқалинқозсавадо», Олмалиқдаги «Турон», Оҳангарондаги «Оҳангаронцемент» хиссадорлик жамиятлари, Бекободдаги Ўзбекистон Металлургия комбинати ва бошқа ўнлаб корхоналар тўла маҳаллий хомашё ҳисобига фаолият кўрсата бошлади.

Шундай бўлса-да, айрим шаҳар ва туманларда саноатни ма-

ҳаллийлаштириш борасидаги имкониятлар тўла ишга солинмапти. Хусусан, «Оҳангарон-линпласт», «Чирчиқшлюкхўжаликмашинасозлиги», Чирчиқдаги «Трансформатор» хиссадорлик жамиятларида маҳаллий хомашёдан фойдаланиш суст бормоқда. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга кичик ва ўрта бизнес субъектларини жалб этиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Сессияда «Бандлик» Дастурининг бажарилиши ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Сессияда вилоят маҳаллий бюджетининг 2002 йил лойиҳаси тўғрисидаги, халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2002 йилга мўлжалланган иш режаси ҳам кўриб чиқилди. Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бугунги сонда:

ҲАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ:

Қўшма корхонамиз маҳсулотларига талаб кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, унинг қувватини янада ошириш мақсадида 2002-2003 йилларга мўлжалланган бизнес-режа лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2-бет

ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ:

Айрим ҳўжалик раҳбарлари ва бош муҳандисларининг техника воситаларини кўкламги экиш мавсумига тайёрлаш ишларини эплай олмаётганликлари ҳақида.

3-бет

ҚАДРИ ОСМОН ҚАРИЯЛАР:

Юртбошимизнинг 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси томонидан маъқуллаб кутиб олинди ва қизгин қўллаб-қувватланди.

6-бет

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА:

Тадқиқотчилар вазият ўзгармаса, 2100 йилга бориб иқлим тамомила ўзгариб кетишини башорат қилмоқда. Айрим давлатларда ёгингарчилик кўпайса, бошқаларида қургоччилик авж олади.

7-бет

АДИБ ТУҲФАСИ:

Хоним қаро терга ботиб, бўхчани уйғача кўтариб борди. Бироқ бугунги ҳодиса, дугонасининг пандлари унга сабоқ бўладими, йўқми, буни келажак кўрсатади...

8-бет

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ ЯНГИЙЎЛДА



СУРАТЛАРДА: Янгийул шаҳрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» байрамидан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

шўх қўшиқлари ҳаммани даврага чорлади. Катталар ҳам гўё болаликка қайтгандек фарзандлари қувончига шерик бўлдилар.

Вилоят ҳокими Умнат Мирзакулов байрам қатнашчиларини янги йил билан табриклаб, келажагимиз бўлмиш болажонларнинг юзларидан ҳар доим ана шундай табассум аримаслигини, Ватанимизга муносиб ўғил-қизлар бўлиб етишишларини тилади, Юртбошимизнинг совғаларини топширди.

Болаларнинг қувнок қийқириқлари, ўйин-кулгилари кечгача тинмади.

Ўз мухбиримиз.

ФАРЗАНДЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкент туманидаги Фиёс Умаров номли ширкат хўжалиги болаларнинг арча байрамини ўтказиб берди.

Фарзанд камолоти фақатгина оилалардагина эмас, балки, мактабгача бўлган тарбия муассасаларида олиб бориладиган ишларнинг, жамоатчиликнинг кичинтойлар тўғрисида кўрсатадиган ғамхўрлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тошкент туманида мустақилликнинг ўн йиллиги давомида бу соҳада бой тажриба тўпланди.

Хусусан, «Ҳасанбой» ширкат хўжалигида қишлоқ ёшлари жисмоний тарбиянинг барча турлари билан шуғулланишлари учун шароит яратилган ўйингоҳ мажмуаси фойдаланишга топширилди. Охунбобоев номли хўжаликда эса ҳам боғча, ҳам мактаб вазифасини ўтовчи бино ишга туширилди.

Фиёс Умаров номли ширкат хўжалигида ҳам бу борада тўпланган тажрибалар бойитиб борилмоқда. Янги йил арафасида хўжаликда ўтган йили қурилиб, фойдаланишга топширилган тўйхонада минг на-

фар болакайларнинг арча байрами ўтказиб берилди. Уларнинг 500 таси тумандан таклиф қилинган ногирон болалар бўлса, қолганлари хўжалик ҳудудида истиқомат қилувчи оилаларнинг фарзандларидир. Арча байрами ниҳоятда хушчақчақлик билан ўтди. Болаларнинг ҳар бирига совға-саломлар улашилди.

— Фарзандлар юзидаги табассумни кўриш, ота-оналарнинг миннатдорчилик сўзларини эшитиш, — дейди бошқарув раиси Комилжон Каримов, — мўлжаллаб қўйган ишларимизнинг бароридан келишида катта руҳлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Дарвоқе, биз аминмизки, бу омил ўтган йилнинг энг яхши сабзавоткор хўжалиги, деб тан олинган хўжаликда янги ва юксак марралар эгалланишида катта туртки бўлади.

Носир РИХСИЕВ.

Лойиҳа

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНГА

Фермерлик ва агротижорат фаолиятини хусусийлаштириш ва қайта ташкил этиш воситасида қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва барқарорлаштиришни кўзда тутган қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасига жаҳон банки 36 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз беришни маъқуллади.

Лойиҳани амалга ошириш тўрт йилга мўлжалланган бўлиб, у республикамизнинг беш туманидаги қайта тузилган хусусий фермер хўжаликлари ҳамда агротижорат корхоналарига техник ва молиявий қўмаклашишга йўналтирилган. Бундан қутилган мақсад, аввало аграр соҳадаги самарадорлик ва унумдорликни оширишдан иборат. Қолаверса, қишлоқ хўжалигидаги сугориш ва зовур

тизимларини тиклаш, шунингдек бошқарувнинг такомиллаштириш йўли билан соҳа барқарорлигини таъминлашдир.

Мазкур қўмакни Эллиққалъа (Қорақалпоғистон), Оҳангарон (Тошкент вилояти), Марҳамат (Андижон вилояти), Нишон (Қашқадарё вилояти), Шеробод (Сурхондарё вилояти) туманларига кўрсатиш режалаштирилган.

«Туркистон пресс».

Учрашув

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ ЎРГАНАМИЗ

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими, туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашлари ташаббуси билан «Миллий истиқлол ғоясини ўрганамиз» мавзусида маънавий-маърифий учрашув бўлиб ўтди.

Унда республика олий таълим муассасаларидан ташриф буюрган олимлар, соҳа мутахассислари тадбир иштирокчиларига миллий

истиқлол ғоясининг моҳияти, аҳамияти ҳақида сўзлаб бериб, ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

Ҳамкорлик робиталари

«РОССИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Вилоятимизда чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни барпо этиш ишлари кенг кўламда давом этмоқда. Йигирма биринчи асрнинг дастлабки йилида ҳам уларнинг қатор янгилари ишга туширилди.

Ҳозирги кунга келиб бундай тадбиркорлик тузилмалари сони 196тага етди. Уларда халқ хўжалиги, истеъмол бозори учун зарур бўлган ўнлаб маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, бундай корхоналарнинг аксариятида замонавий асбоб-ускуналар, илғор технология жорий қилинган учун меҳнат унумдорлиги юқори бўлмоқда.

«Росси» қўшма корхонамиз шундай тузилмалардан бири ҳисобланади. Болгариялик сармоядорлар билан биргаликда 1997 йилда барпо этилган корхонамиз жамоаси ўзи тайёрлаётган турли-туман ширинликлари билан истеъмол бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаб бораёпти. Қандолатларимиз сифатини ошириш, чиройли қадоқланишига доим катта эътибор бераётганлигимиз учун ҳам шундай бўлмоқда.

Бозор ва унинг талабини муттасил ўрганиб борамиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришда, унинг янги турларини тайёрлашни йўлга қўйишда бу алоҳида ҳисобга олинади. Харидорчиларини чиқаришни кўпайтирамиз, бозори қаққон бўлмаганларини камайтирамиз ёки бутунлай тўхтатиб қўямиз.

Ҳозирги кунга келиб жамоамиз сафида 150 нафардан зиёд киши бор. Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, технологик жараён туну кун узлуксиз давом этмоқда. Бу мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан тўлароқ фойдаланиш имконини яратади, харажат-

ларни тезроқ қоплашга олиб келади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари доим ўн беш хилдан кам бўлмаёпти. Улар асосан маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб тайёрланмоқда. Бу маҳсулотларимиз таннархи арзон, бозорда ҳам баҳоси кам-

га мўлжалланган бизнес-режа лойиҳаси ишлаб чиқилди. У кредит берувчиларга ҳам маъқул бўлди. Бундан бир неча ой илгари мазкур лойиҳани молиявий таъминлаш бўйича тузилган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Миллий банкининг Янгийул бўлими 30 миллион



роқ бўлишига олиб келмоқда. 2001 йил ўз маҳсулотларимиз билан жаҳон бозорига чиқиш йили бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозиргача бир неча юз минг сўмлик ширинликлар хорижий буюртмачиларга юборилди.

Мўмай даромад ва соф фойда ҳажмининг ортиши туфайли ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, меҳнат шароитларини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Чунончи, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари мунтазам кўпайтириляпти. Улар бепул иссиқ овқат, махсус автобуслар хизмати билан таъминланмоқда. Қўшма корхонамиз маҳсулотларига талаб кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, унинг қувватини янада ошириш мақсадида 2002-2003 йиллар-

сўм кредит ажратди.

Қутлуғ айём муносабати билан ёзиладиган дастурхонларда бизнинг корхонамиз тамғаси босилган ширинликлар бўлишига ишончимиз комил. Маҳсулотларимизни мамлакатнинг барча вилоятларига етказиб бераётганлигимиз, ҳамюртларимизнинг яхши кунларига ҳисса қўшаётганимиз билан ғурурланамиз, айна вақтда зиммамиздаги вазифанинг ўзига яраша масъулияти борлигини бир зум бўлса ҳам ёддан чиқармаймиз. Вилоятимиз меҳнаткашларини Янги йил билан чин кўнгилдан табриклаймиз, қандолатларимиз ҳажми, тури ва сифатини ошириш йўлидан бораверамиз.

Шухрат РАҲИМОВ,
қўшма корхона раҳбари.

ГОЛИБЛАРГА СОВГАЛАР

Оҳангарон шаҳрида «Гиёҳвандликка қарши курашайлик» мавзuida кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги коллежаларнинг талабалари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари қатнашдилар.

Кўрик-танлов иштирокчилари деворий газета чиқариш ва кўргазмалар воситаларини тайёрлаш, илмий-назарий билимларини синаш, театрлаштирилган сахна кўринишлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Танловда 2-ўрта мактаб ўқувчиларига биринчи, маиший

хизмат кўрсатиш коллежи талабаларига ҳамда 3-ўрта мактаб жамоасига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Голибларга шаҳар хотин-қизлар кенгаши, «Болалар» ва «Нуроний» жамғармаларининг эсдалик совгалари топширилди.

Муқаддас АЛИЕВА.

ЮҚОРИЧИРЧИҚДА «ВАТАНПАРВАР ОЙЛИГИ»

Янгибозор марказий ўйингоҳида Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамда туман жисмоний-тарбия ва спорт кўмиталари ташаббуси билан юқори синф ўқувчилари ўртасида «Ватанпарвар ойлиги» спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Унинг қатнашчилари спортнинг қатор турлари бўйича беллашувларда фаол иштирок этмоқдалар. Тадбир 14 январгача давом этади. Голибларга «Ватанпар-

вар» ташкилоти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совгалари топширилади.

Ўз мухбиримиз.

Танлов

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Янгийўл тумани Маданият саройида Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодларини саралаш бўйича «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.



Ҳоятда қизиқарли, бахсларга бой бўлган танловда 21 нафар иқтидорли ижодкор қизлар иштирок этишди. Унда 24-ўрта мактаб ўқувчиси Ёдгора Раҳмонова танлов голибаси деб топилди. Шунингдек, Наргиза Юнусова ва Шаҳноза Мадраҳимовалар иккинчи ва учинчи ўрин соҳибаси бўлдилар. Голибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимнинг эсдалик совгалари топширилди.

Аҳмаджон РИХСИБОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Жаҳон солиқ тизими тажрибасидан ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи бекор қилинди ва унинг ўрнига бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларнинг автотранспортлари томонидан истеъмол қилишга солинадиган солиқ жорий этилди.

Бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларнинг автотранспортлари томонидан истеъмол қилишга солинадиган солиқ ставкаси қуйидагича ўрнатилди:

бензин ва дизел ёнилғиси – 1 литр учун 20 сўм; суюлтирилган газ – 1 кг учун 17 сўм.

Ушбу солиқ жисмоний шахслар томонидан бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни харид қилаётган вақтда мазкур ёнилғиларни сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўрнатилган нархларга устама сифатида тегишли ставкаларда хариддордан ушлаб қолинади ва белгиланган муддатларда бюджетга ўтказилади.

Жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи ўрнига бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларнинг автотранспортлари томонидан истеъмол қилишга солинадиган солиқни жорий этиш автотранспорт воситаларидан фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Матбуот хизмати.

Таҳлил ва сабоқ

Вилоятимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 2001 йилни муваффақиятли яқунлаб, янги 2002 йилга яхши ният, янги режалару катта умидлар билан қадам кўйдилар. Лекин яхши нияту аниқ режанинг ўзи кифоя эмас. Ҳамма гап ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилишда, ҳар бир вазифани ўз вақтида рисоладагидек бажариб боришда.

ШУНИ ҳисобга олиб, 2002 йил баҳор мавсумида ишлатилган мавжуд техника воситаларини қиш ойларидаёқ таъмирдан чиқариб, тахт қилиб қўйишни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан барча хўжаликлардаги тайёрлик чизигига қўйилган техника, машина ва механизмларни текшириб, қабул қилиб оладиган махсус ишчи гуруҳ тузилди. Унга вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, вилоят МТП бирлашмаси ҳамда «Давтехназорат» раҳбарлари ва мутахассислари жалб этилди. Ушбу гуруҳ бугунгача барча туман хўжаликларидagi мавжуд техникаларнинг тайёрлигини текширувдан ўтказди.

Хўш, текширувлар нималарни кўрсатди? Ишчи гуруҳи аъзолари қандай хулосага келдилар?

Агар вилоят бўйича умумий аҳволдан келиб чиқиб айтиладиган бўлсак, кўкламги экиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ёмон эмас. Ўрта ҳисобда 90 фоиз ишларни бажариб қўйишга улгурилди. Бирок туманлар ва айниқса, хўжаликлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, вазият бироз бошқача, яъни дилни ранжитадиган, ташвишга соладиган камчилик ва нуқсонлар талайгина. Раҳбарлари у ёки бу техника воситалари таъмирини пайсалга солаётган, етишмовчиликлар ўрнини тезроқ тўлдириш чораларини кўриш ўрнига хотиржамликка берилган хўжаликларни деярли барча туманларда учратиб мумкин. Шулардан Бекобод, Янгийўл, Бўка ва Ўртачирчиқ туманларидаги қатор хўжаликлар хусусида алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Гарчи айрим камчиликлардан холи бўлмаса-да, «Хос», «Навбахор», «Далварзин», «Фарҳод» ширкат хўжаликлари раҳбар ва мутахассислари техникани таъмирлаш ишларини тўғри ташкил қила олганлар. Бирок ишчи гуруҳи қайд этган маълумотларга қараганда, тумандаги бошқа хўжаликларда аҳвол яхши эмас. Масалан, Улғубек номи ширкат хўжалигида жами 16та сеялка бўлгани ҳолда, шу пайтгача фақат бтасигина таъмирдан чиқарилган. Аммо ишчи гуруҳи унинг бор-йўғи иккитасини ишга яроқли, деб топди. Шу жумладан плёнка остига чигит экадиган 7та сеялкадан бтаси ҳали олиб келинмаган. Хуллас, бор деб кўрсатилган 16та сея-

Афтидан, «Авангард» ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳам ишчи гуруҳи аъзоларини чалғитишга уриниб кўришганга ўхшайди. Чунки, экиш мавсумига шай, деб кўрсатилган 11та сеялкадан фақат бтаси ишга яроқли бўлиб чиқди. Тайёрлик чизигига қўйилган

Ишчи гуруҳи ўтказган текширув чоғида Янгийўл туманидаги ҳамма хўжаликларда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, чопиқ тракторлари унта хўжаликдан фақат иккитасида тўлиқ тайёр ҳолатда бўлган. «Тинчлик», «Янги ҳаёт» ва «Қовунчи» хўжаликлариди 50-57 фоизи таъмирланган бўлса, Ниёзов номи ва «Озод» хўжаликлариди бирортаси ҳам ишга яроқли эмас.


Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув», Ким Пен Хава номи, Охунбобоев номи хўжаликларнинг устахоналаридаги тартиб, саранжом-саришталикни кўриб, гуруҳ аъзолари хурсанд бўлишди ва ҳамма турдаги техника воситаларини ҳеч қандай эътирозсиз тўлиқ қабул қилиб олишди. Лекин, афсуски, уларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. «Ҳақиқат», «Гулистон», «Истиқбол» ширкат хўжаликлари марказий устахоналаридаги аҳвол уларни ранжитди. Ранг кўр, ҳол сўр деганларидек, бу ердаги хўжасизлик, ҳудуднинг яқин ўртада тозаланмаганлиги, керакли-кераксиз нарсаларнинг сочилиб ётиши раҳбарларнинг техника воситаларини мавсумга тайёрлашга қандай муносабатда бўлаётганликларини яққол кўрсатиб турибди. Ушбу хўжаликларда чопиқ тракторлари, культиваторлар, сеялкалар, ерга ишлов беришга қўлланадиган механизмлар тўлиқ ва сифатли солинмаган. Эҳтиёт қисмлар етишмайди.

Бўка туманидаги Улғубек номи ва Навоий номи ширкат хўжаликлари раҳбарлари техникани кўкламги экиш мавсумига тайёрлаш ишларини оқилона ташкил этолмаптилар. Чунки, тайёрлаш ишлари эндигина 60-70 фоиз бажарилди. Кўпга эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги ҳисобга олинса, бундай суръат билан мавсум бошлангунча, техникани тахт қилишга улгуриш қийин.

Хулоса қилиб айтганда, кўкламги экиш мавсумида ишлатилган техника турларини таъмирлаш пайсалга солинаётган хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари ўтган мавсум сабоқларидан тегишли хулоса чиқармаган қўринадилар. 2001 йил шуни кўрсатдики, пахта қанча эрта пишиб етилса, режадаги ҳосилни олиш шунчалик қафолатланади. Бунга эришиш учун эса, чигитни иложи бори-ча эрта ва қисқа муддатларда экиб олиш лозим. Бундай имконият ерларни экишга барвақт ва сифатли тайёрлаш билан яратилди. Демак, ерни тайёрлаш машина-механизмлари, сеялка ва культиваторлар ҳозирдаёқ тайёрлик чизигига қўйилиши зарур. Лекин, афсуски, юқорида тилга олинган хўжаликларда айнан шу турдаги техника воситаларини таъмирлаш кечиктирилапти. Аҳвол шундай давом этса, айрим раҳбарлар пайти келганда, зудлик билан чигит экишга киришиш ўрнига ер чизиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

КИМЛАР ҲАРАКАТДА, КИМЛАР ҒАФЛАТДА



Ёки айрим хўжалик раҳбарлари ва бош муҳандисларининг техника воситаларини кўкламги экиш мавсумига тайёрлаш ишларини эплай олмаётганликлари ҳақида

кадан 14таси насия бўлиб турипти.

21та чопиқ тракторидан 13таси ишчи гуруҳи томонидан қабул қилинди. Бирок уларга осиб ишлатилган 21та культиватордан 13таси таъмирланди, деб кўрсатилган бўлса-да, кўпи ҳали ишга ярайдиган ҳолга келтирилмаган. Яъни чалакам-чатти таъмирланган. Кўпининг филдираклари йўқ. Бори ҳам яроқсиз. Ишчи органларининг 70 фоизи янғисига алмаштирилмаган.

Навоий номи ширкат хўжалигида мавжуд 16та сеялкадан 4таси қабул қилинди. Шу жумладан, плёнка остига чигит экадиган 3та сеялкадан бирортаси шу пайтгача таъмирдан чиқмаган. Созлаб бўлинди, деб ишчи гуруҳи эътиборига ҳавола қилинган узун базали 4та ер текислагичдан фақат биттасигина ишга яроқли эканлиги маълум бўлди. Демак, улар тайёрлик чизигига хўжакурсинга қўйилган. Бошқача қилиб айтганда, ишчи гуруҳини алдамоқчи бўлишган.

18та культиваторнинг бирортаси ҳам ишчи гуруҳи томонидан қабул қилинмади. Чунки, тўлиқ солинмаган. Ишчи органлари етишмайди. Пружина, занжир, пичоқ ва филдираклари эса, умуман, йўқ. 55та тишли боронадан фақат 25таси ишга яроқли. Негаки, камчилиги кўп, бунинг устига тишлари узун-қисқа ва бўялмаган.

Шунингдек, «Ўзбекистон», Ойбек номи, «Дехқонобод», «Бекобод», «Ғалаба» ширкат хўжаликлариди ҳам асосий техника турларини таъмирлаш ҳеч қандай узри сабабсиз пайсалга солинмоқда. Оқибатда Бекобод тумани техника воситаларини 2002 йил баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш бўйича вилоятда охириги ўринларда бормоқда. Чунинчи, ишчи гуруҳ текширув ўтказган кунгача сеялкаларнинг 64,6 фоизи, шу жумладан плёнка остига чигит экадиган сеялкаларнинг 33 фоизи, культиваторларнинг 61,4 фоизи, диски бороналарнинг 43 фоизи таъмирдан чиқарилган, холос.

Сабаби — гильза ва поршен тизимига тегишли бутловчи қисмлари ва орқа филдирак шиналари етишмайди.

«Янги ҳаёт» хўжалигининг аҳволи, айниқса, чатоқ. Шу пайтгача мавжуд 8та сеялкадан бирортаси таъмирланмаган. Умуман, на очикча, на пленка остига чигит экадиган сеялкалар мавсумга тайёр эмас. Лекин, қизиғи шундаки, уларнинг ҳаммаси буюб қўйилган. «Қовунчи» ва «Ниёзбош» хўжаликлариди ҳам аҳвол шундай.

Культиваторлар тўртта хўжаликда тўлиқ таъмирлаб қўйилгани ҳолда, Ортиқов номи ва «Қовунчи» хўжаликлариди 38 фоизи, «Тинчлик» ва «Озод» хўжаликлариди ярми қўлдан чиқарилган. «Янги ҳаёт» хўжалиги эса бу масалада ҳам бошқаларга «ўрнак». Қаранг, мавжуд 8та культиватордан бирортаси шу кунгача тайёр ҳолга келтирилмапти. Ортиқов номи, «Озод» ва «Тинчлик» хўжаликлариди ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин.

Dushanba

7

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.45 «Тахлилнома».

8.45, 17.55 ТВ - маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Номаълум Кизилқум», «Қоядаги расмлар».

9.25, 10.25 ТВ - метео.
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 Тўртинчи ҳокимият.

Ўқувчиларнинг киши таътил кунларида:

10.30 «Онтаро соҳилидаги воқеа». Бадий фильм.
12.05 «Олтин тож»да Янги йил.
12.50, 13.55, 15.05

ТВ анонс.
12.55 «Дўстлик гулдас-таси».
13.35 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.45 «Қалб гавҳари».
15.10 «Қўрқоқ бегемот». Мультфильм.
15.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
15.50 Кундузги сеанс: «Тўғри сўзинг тўқмоғи». Бадий фильм.
17.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.25 «Кино оламида».
18.10 Болалар учун.
«Санъат гунчалари».
18.35 «Мулк».
18.55 «Бир жуфт кўшиқ».
19.05 «Янгисидан бор».
Юмористик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 «2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили» «Париси бор уй».
22.00 «Спорт, спорт, спорт».
22.10 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси 56-қисм.
22.40 «Кувноқ трамвай». Ҳажвий тележурнал.
23.10 «Ахборот - дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» тонги.
10.00 «Янги авлод» почтаси, «Олтин калит».

10.30 Мультфильм.
10.40 «Саломатлик сирлари».
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.30 Ватан ҳақида кўшиқ.
11.35 Яқшанбада кўришгунча.
11.50 Мусиқий лаҳзалар.
12.00 «Давр»-news.
12.20 Қишки таътил экран: «Янги йил эртаги». Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
13.30 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.15 Мусиқий лаҳзалар.
14.25 Автосалтанат.
14.40 «Тарзан». Мультфильм.
16.10 «Дийдор».
16.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Билафон маслаҳати».

17.45 «Мульттомоша».
18.00 Оқшом навалари.
18.10 Ишбилармон кишилар.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.30, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 1-қисм.
21.25 XXI аср шеърятидан.
21.30 «Бир ўлка-ки».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телека-

налида спорт: Интер-футбол. Танафус пайтида -.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экран. «Ака-ука Гримм эртакла-ри». 1, 2-қисмлар.
18.10 «Мусиқий мехмонхона».
18.30, 20.00, 21.35, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм.
19.30, 21.05, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар».
21.20 «Тўй либослари». Телефильм.
21.50 «Шифокор маслаҳати».

22.40 Кинонигоҳ. «Янги шеригим».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Қалб қанотлари». Сериал.
18.00 «Вести».
18.20 «ТВ-4да Немис тўлкини».
18.50 «Каменская». Сериал.
19.40 А. Пугачева, О. Газманов ва бошқалар байрам концертида.
21.00 «Время».
21.35 А. Пугачева, О. Газманов ва бошқалар байрам концертининг давоми.
23.00 Кинематограф. «Лабиринт ва махлук». Бадий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

8

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Тошкент».

9.05, 12.15 ТВ - метео.
9.10 «Мулк».
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 Алифбо сабоқлари.

Ўқувчиларнинг киши таътил кунларида:

10.25 «Президент асарлари билимдонни». Республика кўрик - танлови.

10.45 «Кизалоқ», кинода ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадий фильм.
12.05 «Спорт, спорт, спорт».
12.20 «2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили» «Париси бор уй».
12.50 Биржа ва банк хабарлари.
13.00 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 56-қисм.
13.25 «Саҳна ҳаёти».
14.10 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
14.30, 15.55 ТВ анонс.
14.35 Кундузги сеанс: «Шаҳарликлар». Бадий фильм.
16.00 «Ҳазил, ҳажв, хангома».
16.30 Ўзбекистон халқ артистлари.
16.55 «Ватанимга

хизмат қиламан».
18.10 «Асалари бўлган экан», «Саёҳат». Мультфильмлар.
18.35 «Баркамол авлод орзуси».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.35 «Сиёсат оламида».
21.55 «Келин-куёв». Телешоу.
23.10 «Ахборот - дайжест».
23.30 - 23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билафон маслаҳати».
9.35 Мультфильм.
9.45 «Президент арчаси».
10.45 «Бизнес-академия».
11.00 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.45 Футбол-2002.
12.30 Интерфутбол.
14.05 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 1-қисм.
14.50 Мусиқий лаҳзалар.
15.00 «Табора кўкка интилади». Бадий фильм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Имтиҳон».
17.05 Таянч.
17.20 Минг бир

маслаҳат.
17.40 Ватан манзаралари.
18.05 Автопатрул.
18.25 Оқшом навалари.
18.35 Ёшлар овози.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр» - интервью.
19.55 Бир жуфт кўшиқ.
20.05 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 2-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «Марду майдон».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телека-

налида спорт дастури.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
24.00-00.05 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экран. «Табассум ўғрилари». 1-қисм.
18.20 «Том ва Жерри». Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.50, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм.
19.30, 21.05, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Дурдона».
20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар».
21.20 «Панорама».
22.20 «Интерспорт».
22.55 Кинонигоҳ.

«Бриллиант қўл».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.10 «Каменская». Сериал.
18.00 «Вести».
18.30 Е. Петросяниннинг кулги панорамаси.
19.05 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.05 «Заиф бўғин» шоу ўйин.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «CNN-шоу».
22.30 Кинематограф. «Серкўёш водий таронаси». Бадий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

9

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Кушлар», «Хаёл».

9.20, 11.55 ТВ - метео.
9.25 «Инсон ва қонун».
9.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа.
10.40 «Олтин калитча». Бадий фильм.
12.05 «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильм.

12.15, 13.55 ТВ анонс.
12.20 «Сиёсат оламида».
12.40 ЎзТВ хазинасидан. «Куёвлар конкурси». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.40 «Ринг». Спорт дастури.
14.10 «Тафсилот».
14.30 «Остонаси тиллодан».
14.55 Кундузги сеанс: «Сиздан угина, биздан бугина». Бадий фильм.
16.15 «Ягона оилада».
16.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
17.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
17.30 «Ҳамшира - 2001».
18.10 Болалар учун. «Фламинго».
18.35 «Аёл дунёни

тебратар». Бадий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Мулк».
19.10 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.40 «Таълим тараққиёти».
22.00 «Спорт, спорт, спорт».
22.10 «ТВ - клуб».
22.35 «Олам». Телеальманах.
23.10 «Ахборот - дайжест».
23.30 - 23.35 Ватан тимсоллари.

студияси: «Дунё ва болалар», «Имтиҳон».
9.45 «Давр» - интервью.
10.00 Қишки таътил экран: «Диққат, шаҳарда сеҳргар».
11.00 Таянч.
11.15 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.40 Ёшлар овози.
12.00 Болалар экран. «Соҳибжамол ва махлук».
13.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
13.50 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 2-қисм.
14.35 «Мени тушун» Телеўйин.
15.05 Ватан манзаралари.
15.30 Олтин мерос.
15.35 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.20 Автопатрул.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 Уйна, болажон, уйна.

17.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар», «Кичкинтой театри».
17.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.20 «Далил ва шарҳ». Ўзбекистон Республикасининг референдуми олдидан.
18.35 Оқшом навалари.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Сийрат».
20.00 «Спорт - лотто».
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 «Ёшлик навалари».
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 3-қисм.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экран. «Табассум ўғрилари». 2-қисм.
18.30, 20.00, 21.40, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм.
19.30, 21.05, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Спорт оламида».
20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар».
21.20 «Хайрли оқшом».
21.55 «Кўк-сув дарёси

бўйлаб». Телефильм.
22.40 Кинонигоҳ. «Умрбод сеникиман».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.10 «Каменская». Сериал.
18.00 «Вести».
18.25 «Рус экстрими».
18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.55 «Сўнги қаҳрамон». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Кун мавзуси».
22.35 Кинематограф. «Жонгинам». Бадий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Pavshanba

10

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ - маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Соз сеҳри».
9.15, 12.20 ТВ метео.
9.20 «ТВ - клуб».
9.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Мулк».
10.05 «Мулк».
10.05 «Мулк».
10.05 «Мулк».

Ўқувчиларнинг киши таътил кунларида:

10.25 «Сеҳрли саргу-

зашт». Бадий фильм.
11.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.05 «Аёл дунёни тебратар». Бадий - публицистик кўрсатув.
12.25 ЎзТВ хазинасидан. «Куёвлар конкурси». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Спорт, спорт, спорт».

14.20, 15.30, 17.15 ТВ -анонс.
14.25 «Экспедиция». Телесериал. 26-қисм.
15.15 «Таянч нуктаси».
15.35 «Кувноқлар ва зукколар».
16.15 «Депутат».
16.30 «Ёшлик шиддати».
16.45 Болалар учун. «Кўшигим, жон кўшигим».
17.20 «Битик».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.

18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Янги ният». Телелотерея.
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».

21.05 ИИВ Ички қўшинлар намунали-кўргазмалари оркестрининг концерти.
21.40 «Сардор». Бадий фильм. 1-қисм.
22.05 «Бугуннинг гапи».
22.25 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 57-қисм.
22.50 «Ахборот - дайжест».
23.10 - 23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар», «Кичкинтой театри».
9.45 Спорт-қитъаси.
10.15 Сенинг вақтинг.
10.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 «Далил ва шарҳ». Ўзбекис-

<p>тон Республикасининг референдуми олдидан.</p> <p>11.00 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.</p> <p>11.25 «Сийрат».</p> <p>11.45 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»</p> <p>12.15 Мультфильм.</p> <p>12.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.</p> <p>13.15 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм</p>	<p>13.35 «Буни ишқ дейдилар». Бадийий фильм. 3-қисм.</p> <p>14.20 Интерфутбол.</p> <p>15.55 Жараён.</p> <p>16.25 «Кушча». Бадийий фильм.</p> <p>17.40 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>17.45 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».</p> <p>18.10 «Мульттомоша».</p> <p>18.25 «Табобат оламида».</p> <p>18.45 Оқшом наволари.</p> <p>18.55, 21.55 Иқлим.</p> <p>19.00 «Давр». Ахборот дастури.</p>	<p>19.30 Иқтисод-news.</p> <p>19.35 ТВ-анонс.</p> <p>19.40 «Давр» - интервью.</p> <p>19.55 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.</p> <p>20.05 Ёшлар овози.</p> <p>20.25, 21.15, 22.35 Ёшларлар.</p> <p>20.30 «Буни ишқ дейдилар». Бадийий фильм. 4-қисм.</p> <p>21.20 Бир жуфт кўшиқ.</p> <p>21.30 Бегойим.</p> <p>21.50 Олтин мерос.</p> <p>22.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>22.30 Иқтисод-news.</p>	<p>22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.</p> <p>23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус лойиҳада -.</p> <p>23.50 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>00.50-00.55 Хайрли тун!</p> <p>«Тошкент» телеканал</p> <p>17.15 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».</p> <p>18.00 Болажонлар экрани. «Ака-ука Гримм эртаклари». 3-</p>	<p>қисм.</p> <p>18.25 Мультфильм.</p> <p>18.30, 20.00, 21.40, 22.30 «Пойтахт».</p> <p>Ахборот дастури.</p> <p>18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста».</p> <p>19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм.</p> <p>19.30, 21.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.</p> <p>19.45 «Тошкент ва тошкентликлар».</p> <p>20.20 ТТВда сериал: «Кайсар ва довораклар».</p>	<p>21.20 «Сиз соғинган наволар».</p> <p>21.45 «Туризм ҳақида».</p> <p>22.50 Кинонигоҳ «Бахтли воқеа».</p> <p>00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»</p> <p>«Халқаро» телеканал</p> <p>РЖТ 7.30 -9.00</p> <p>17.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>17.05 «Бугун оламда».</p> <p>Ахборот кўрсатуви.</p> <p>17.10 «Каменская». Сериал.</p> <p>18.00 «Вести».</p> <p>18.25 «Мульттомоша».</p>	<p>18.35 «Пирлар. Шоншухрат синови».</p> <p>19.05 «Муҳаббат замини». Сериал.</p> <p>20.05 «Заиф бўғин». Шоу ўйини.</p> <p>21.00 «Время».</p> <p>21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.</p> <p>22.15 «Соккер-клуб».</p> <p>22.35 Кинематограф. «Шамширдан зина». Бадийий фильм.</p> <p>00.05 «Ахборот» (рус тилида)</p> <p>00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»</p>
---	--	---	---	--	---	---

<p>JUMA</p> <p>11</p> <p>«Ўзбекистон» телеканал</p> <p>6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»</p> <p>8.00 - 8.35 «Ахборот».</p> <p>8.35, 17.55 ТВ-маркет.</p> <p>8.40 Газеталар шарҳи.</p> <p>9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Алла», «Хива».</p> <p>9.25, 12.25 ТВ метео.</p> <p>9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.</p> <p>10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.</p> <p>10.05 «Бугуннинг гапи».</p> <p>10.25 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадийий фильм.</p> <p>11.45 «Йиллар ва йўллар».</p> <p>12.05 «Озод юрт одамлари». Бадийий публицистик кўрса-</p>	<p>тув.</p> <p>12.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 57 -қисм.</p> <p>12.55 ТВ-театр «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».</p> <p>14.10 Эстрада тароналари.</p> <p>14.30, 16.25, 17.30 ТВ анонс.</p> <p>14.35 Кундузги сеанс: «Мафусаил». Бадийий фильм.</p> <p>16.30 «Китоблар оламида».</p> <p>16.50 «Уч оға-ини». Мультфильм.</p> <p>17.00 Куйла, ёшлигим».</p> <p>17.35 «Болаликнинг мовий осмони».</p> <p>18.10 «Калқон».</p> <p>18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.</p> <p>19.05 «Хидоят сари».</p> <p>19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар.</p> <p>19.30 «Ахборот» (рус</p>	<p>тилида)</p> <p>20.00 Оқшом эртаклари.</p> <p>20.15 «Бир жуфт кўшиқ».</p> <p>20.30 «Ахборот».</p> <p>21.05 «Янги йил базми». 1-қисм.</p> <p>22.25 «Сийёсат оламида».</p> <p>22.45 «Сардор». Бадийий фильм. 2-қисм.</p> <p>23.20 «Ахборот - дайжест».</p> <p>23.40 «Спорт, спорт, спорт».</p> <p>23.50-23.55 Ватан тимсоллари.</p> <p>«Ёшлар» телеканал</p> <p>8.55 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>9.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>9.15 Ўйна, болажон, ўйна.</p> <p>9.30 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».</p> <p>9.55 «Мульттомоша».</p>	<p>10.10 «Давр» - интервью.</p> <p>10.25 Мусиқий лаҳзалар.</p> <p>10.35 «Минг бир маслаҳат».</p> <p>10.55 Ёшлар овози.</p> <p>11.15 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.</p> <p>11.40 Мусиқий лаҳзалар.</p> <p>11.50 Болалар экрани. «Саёҳатлар эртаги».</p> <p>13.30 «Бегойим».</p> <p>13.50 «Буни ишқ дейдилар». Бадийий фильм. 4-қисм.</p> <p>14.35 Интерфутбол.</p> <p>16.10 «Очун».</p> <p>16.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.</p> <p>17.20 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>17.25 «Янги авлод» студияси: «Янги йилнинг яхши йили».</p> <p>17.50 Кўли гул уста.</p> <p>18.10 Автосалтанат.</p> <p>18.25 Ёшлар овози.</p>	<p>18.45 Оқшом наволари.</p> <p>18.55, 21.55 Иқлим.</p> <p>19.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>19.30 Иқтисод-news.</p> <p>19.35 ТВ-анонс.</p> <p>19.40 «Аср қиёфаси».</p> <p>20.00 «Азизим».</p> <p>20.25, 21.25, 22.35 Ёшларлар.</p> <p>20.30 Ватан ҳимоячилари кўни олдидан: «Остона». Телевизион бадийий фильм. 1-қисм.</p> <p>21.30 Аскар мактублари.</p> <p>21.50 Олтин мерос.</p> <p>22.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>22.30 Иқтисод-news.</p> <p>22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.</p> <p>23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари.</p> <p>00.05 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>00.20 «Икки минг йилдан сўнг». Хужжатли сериал.</p>	<p>00.40-00.45 Хайрли тун.</p> <p>«Тошкент» телеканал</p> <p>17.15 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».</p> <p>18.00 Болажонлар экрани. «Ака-ука Гримм эртаклари». 4-қисм.</p> <p>18.30, 20.00, 21.50, 22.35 «Пойтахт».</p> <p>Ахборот дастури.</p> <p>18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста».</p> <p>19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм.</p> <p>19.30, 21.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.</p> <p>19.45 «Авто-news».</p> <p>20.20 ТТВда сериал: «Кайсар ва довораклар».</p> <p>21.20 «ТВ плюс».</p> <p>22.05 «Хамшаҳарлар».</p> <p>22.55 Кинонигоҳ «Вател».</p> <p>00.40-00.45 «Хайрли</p>	<p>тун, шаҳрим!»</p> <p>«Халқаро» телеканал</p> <p>РЖТ 7.30 -9.00</p> <p>17.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>17.05 «Бугун оламда».</p> <p>Ахборот кўрсатуви.</p> <p>17.10 «Каменская». Сериал.</p> <p>18.00 «Вести».</p> <p>18.30 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».</p> <p>19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.</p> <p>20.00 «Мўъжизалар майдони».</p> <p>21.00 «Время».</p> <p>21.35 «Қалб қанотлари» Сериал.</p> <p>22.15 «Дурдаршан».</p> <p>22.40 Кинонинг олтин асри: «Спартак». Бадийий фильм. 1-қисм.</p> <p>00.25 «Ахборот» (рус тилида).</p> <p>00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»</p>
--	--	--	---	--	--	---

<p>SHANBA</p> <p>12</p> <p>«Ўзбекистон» телеканал</p> <p>6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»</p> <p>8.00-8.35 «Ахборот».</p> <p>8.35 ТВ маркет.</p> <p>8.40 Газеталар шарҳи.</p> <p>8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон табияти».</p> <p>9.15, 11.45 ТВ метео.</p> <p>9.20 «Хидоят сари».</p> <p>9.40 «Шумтакалар». Мультсериал.</p> <p>10.10 «Бахтимизга омон бўлинг».</p> <p>«Тирик сайёра» кинодастури:</p> <p>10.30 «Ноилож сайёдалар». Хужжатли фильм.</p> <p>11.25 «Маърифат». Телеальманах.</p> <p>11.50 «Спорт, спорт, спорт».</p> <p>12.00, 14.10, 16.00 ТВ анонс.</p>	<p>12.05 «Озод юрт одамлари».</p> <p>12.25 «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». Мультфильм. 1-қисм.</p> <p>13.40 «Мусиқа ва театр».</p> <p>14.15 «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». Мультфильм. 2-қисм.</p> <p>15.40 «Унутмас мени боғим».</p> <p>16.05 «Ягона оилада».</p> <p>16.35 Экранда - кинокомедия: «Иван Васильевич хасбини ўзгартиради». Бадийий фильм.</p> <p>18.00 «Бир зумда».</p> <p>18.10 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».</p> <p>18.30 «Рангин дунё».</p> <p>18.50 «Нафосат гулшани».</p> <p>19.10 «Қишлоқ ҳаёти».</p> <p>19.25, 19.55, 20.25,</p>	<p>21.00 Ёшларлар.</p> <p>19.30 «Ахборот» (рус тилида)</p> <p>20.00 Оқшом эртаклари.</p> <p>20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)</p> <p>20.30 «Ахборот».</p> <p>21.05 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж ва концерт.</p> <p>22.05 «Сардор». Бадийий фильм. 3-қисм.</p> <p>22.35 «Шанба оқшомида».</p> <p>23.00 «Ахборот - дайжест».</p> <p>«Тунги ёғду» дам олиш кинодастури.</p> <p>23.20 «Мадаждор рух». Бадийий фильм.</p> <p>00.45 - 00.50 Ватан тимсоллари.</p> <p>«Ёшлар» телеканал</p> <p>7.55 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>8.00 «Давр тонги».</p>	<p>9.00 «Янги авлод» студияси: «Янги йилнинг яхши йили».</p> <p>9.25 Жаҳон жуғрофияси.</p> <p>10.15 Ёшлар овози.</p> <p>10.35 Мусиқий лаҳзалар.</p> <p>10.45 Аср қиёфаси.</p> <p>11.05 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.</p> <p>11.30 «Бир ўлка-ки».</p> <p>11.50 Мусиқий дастур.</p> <p>12.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.</p> <p>13.05 «Остона». Телевизион бадийий фильм. 1-қисм.</p> <p>14.00 Чемпион сирлари.</p> <p>14.20 «Ёшлар « телеканалда спорт: Теннис. Бадийий фильм.</p> <p>15.00 «Нажот кемаси». Бадийий фильм.</p> <p>16.30 «Янги авлод» студияси: «Камолот сари». Телеўйини.</p> <p>17.00 Бола тилидан.</p> <p>17.30 Ёшлар овози.</p> <p>17.50 Оқшом наволари.</p> <p>18.00 Футбол плюс.</p> <p>18.20 «Бизнес-академия».</p>	<p>18.35 «Лаззат».</p> <p>18.55, 21.55 Иқлим.</p> <p>19.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>19.30 Каталог.</p> <p>19.40 Давр-интервью.</p> <p>19.55 Мусиқий лаҳзалар.</p> <p>20.05 Хайрат.</p> <p>20.25, 21.20, 22.30 Ёшларлар.</p> <p>20.30 «Остона». Телевизион бадийий фильм. 2-қисм.</p> <p>21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.</p> <p>21.30 Қутилмаган меҳмон.</p> <p>21.50 Олтин мерос.</p> <p>22.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>22.35 Сиз севган «Байрам» гуруҳи.</p> <p>23.05 «Кинотакдим».</p> <p>23.25 «Жавоҳир полициячи». Бадийий фильм.</p> <p>00.55-01.00 Хайрли тун!</p> <p>«Тошкент» телеканал</p> <p>17.15 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>17.20 Болажонлар</p>	<p>экрани. «Хумо қуши».</p> <p>18.45 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».</p> <p>19.05, 19.55, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.</p> <p>19.20 «Эл хизматида».</p> <p>19.35 «Еднома».</p> <p>20.10 «Жаҳон географияси».</p> <p>21.05 «Мисли гавҳар».</p> <p>21.20 М. Бобоев.</p> <p>«Кўнғил кўчалари». Видеофильм. 43-қўй.</p> <p>22.15 «Бахт тилайман».</p> <p>22.35 Кинонигоҳ. «Тўй хангомалари».</p> <p>00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»</p> <p>«Халқаро» телеканал</p> <p>8.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>8.05 Кундузги сеанс: «Жейн Эйр». Бадийий фильм.</p> <p>9.50 «Соккер-клуб».</p> <p>10.10 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.</p> <p>10.45 «Смак».</p> <p>11.05 КВН 40 йил лаҳзалари.</p>	<p>12.00 «CFI янгиликлари».</p> <p>12.10 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.</p> <p>12.35 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсан».</p> <p>13.35-14.05 «Немис тили».</p> <p>17.30 «Кўрсатувлар тартиби».</p> <p>17.35 «Бинафша».</p> <p>17.55 «Британия кундалиги».</p> <p>18.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?»</p> <p>19.55 «Сўнги қаҳрамон».</p> <p>21.00 «Время».</p> <p>21.30 «Эксклюзив».</p> <p>21.50 «Музик-холл».</p> <p>22.15 «Ўз-Ўзига режиссёр».</p> <p>23.00 Кинематограф. «Муҳаббат макри». Бадийий фильм.</p> <p>00.10 Ахборот (рус тилида)</p> <p>00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»</p>
---	---	--	---	--	---	---

<p>Yakshanba</p> <p>13</p> <p>«Ўзбекистон» телеканал</p> <p>6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»</p> <p>8.00-8.35 «Ахборот».</p> <p>8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.</p> <p>9.05 ТВ метео.</p> <p>9.10 «Фаройибот».</p> <p>9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.</p> <p>10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».</p> <p>11.00 «Она меҳри».</p> <p>11.20 ТВ -1 кинотеатри: «Прицилар оиласининг шаъни». Бадийий фильм. 1-қисм.</p> <p>12.25 «Умр мазмуни».</p> <p>12.45 «Прицилар оиласининг шаъни». Бадийий фильм. 2-қисм.</p> <p>13.45 «Чимён тарона-</p>	<p>лари».</p> <p>14.35 «Фарзандим-жигарбандим».</p> <p>15.05 «Яшил водий сари». Мультфильм.</p> <p>16.05 «Телевизион миниатюралар театри».</p> <p>16.40 «Қалб гавҳари».</p> <p>17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.</p> <p>17.30, 18.40 ТВ анонс.</p> <p>17.35 «Янги йилнинг яхши йили».</p> <p>18.15 «Олтин тож».</p> <p>Телевизион ўйини.</p> <p>18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».</p> <p>19.05 «Тўртинчи ҳокимият».</p> <p>19.25, 20.25, 21.10 Ёшларлар.</p> <p>19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)</p> <p>20.00 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури.</p> <p>20.30 «Тахлилнома».</p>	<p>21.15 «Янги йил базми». 2-қисм.</p> <p>22.45 «Сардор». Бадийий фильм. 4-қисм.</p> <p>23.15 «Кино оламида».</p> <p>23.45-23.50 Ватан тимсоллари.</p> <p>«Ёшлар» телеканал</p> <p>7.55 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>8.00 «Давр тонги».</p> <p>9.00 «Янги авлод» студияси: «Камолот сари». Телеўйини.</p> <p>9.30 Табобат оламида.</p> <p>9.50 Давр-интервью.</p> <p>10.05 «Футбол плюс».</p> <p>10.25 Болалар экрани: «Оппок ой».</p> <p>11.50 «Ёшлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду майдон». 2. «Аскар мактублари».</p> <p>12.30 Очил дастурхон.</p> <p>12.45 Сиз севган «Байрам» гуруҳи.</p> <p>13.15 «Остона». Телевизион бадийий фильм. 2-қисм.</p>	<p>14.10 Қишлоқдаги тенгдошим.</p> <p>14.30 Спорт ҳафтано-маси.</p> <p>14.45 Вилоятларнинг ёш хонандалари куйлайди.</p> <p>15.00 «Синфдош».</p> <p>15.30 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>15.35 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси». «Келинг, танишайлик».</p> <p>15.55 «Мульттомоша».</p> <p>16.10 Яшанбада кўришгунча.</p> <p>16.25 Ватан ҳимоячилари кўни олдидан: «Ватанпарвар» (Ўзбек-телефильм)</p> <p>16.55 Оқшом наволари.</p> <p>17.05 «Учинчи сайёра». Маърифий дастур.</p> <p>17.55 «Янги йил фантазияси».</p> <p>18.55, 21.55 «Иқлим».</p> <p>19.00 «Давр»-news.</p> <p>19.20 Маслаҳат. 1-қисм.</p> <p>20.00 Мусиқий лаҳзалар.</p>	<p>20.05 Маслаҳат. 2-қисм.</p> <p>20.55, 21.45, 22.30 Ёшларлар.</p> <p>21.00 «Остона». Телевизион бадийий фильм 3-қисм.</p> <p>21.50 Олтин мерос.</p> <p>22.00 «Давр» ҳафта ичида.</p> <p>22.35 «Орзу дарахти». Бадийий фильм.</p> <p>00.05-00.10 Хайрли тун!</p> <p>«Тошкент» телеканал</p> <p>17.15 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>17.20 «Умид юлдузлари». Шоу дастури. 1-қисм.</p> <p>17.50 «Арча чироқлари ёнганда». Мультфильм.</p> <p>18.10 «Умид юлдузлари». Шоу дастури. 2-қисм.</p> <p>18.40 «Спорт-тайм».</p> <p>19.00, 20.20, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.</p> <p>19.15 «Телефакт».</p> <p>19.25 «Жаҳон географияси».</p>	<p>20.35 «ТТВда Янги йил хазиллари».</p> <p>22.30 М. Бобоев. «Кўнғил кўчалари». Видеофильм. 44-қўй.</p> <p>23.10 «Янги йилга яхши ният билан». Дам олиш дастури.</p> <p>00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»</p> <p>«Халқаро» телеканал</p> <p>8.30 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>8.35 «Мульттомоша».</p> <p>8.50 Болалар соати: «Споарт Литл». Бадийий фильм.</p> <p>10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».</p> <p>10.30 «Хамма уйдалигида».</p> <p>11.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.</p> <p>12.05 «Парле ву француз?»</p> <p>12.30 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)</p>	<p>12.40 «До-ми-соль шоу». Болалар учун кўрсатув.</p> <p>13.40-14.40 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».</p> <p>17.30 «Кўрсатувлар дастури».</p> <p>17.35 «Билишни истайман». Болалар учун дастур.</p> <p>17.55 «Кинопрофи».</p> <p>18.15 «Юра даврининг боғлари». Бадийий фильм.</p> <p>20.30 «ТВ-4да карнавал кечаси ёки декабрнинг ўн етти лаҳзаси».</p> <p>22.00 «Тенгдошлар».</p> <p>22.30 «Етти кун». Ҳафта аяқлари.</p> <p>22.50 Кинематограф. «Янги йилнинг билан». Бадийий фильм.</p> <p>00.40 «Тахлилнома».</p> <p>1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»</p>
---	--	---	--	--	---	---



ҚАДРИ ОСМОН ҚАРИЯЛАР

ерда янги газета-журналларни ўқиб, янгиликлардан воқиф бўладилар, шохмат ўйнаб, хордик чиқарадилар. Яқинда бу ерда яна бир хайрли тадбир ўтказилди. Маҳалла фаоллари энг кекса ва бообрў қарияларни чойхонага таклиф этишиб, уларни 2002 – «Қарияларни қадрлаш йили» билан табриклаб, Янги йил совғалари такдим этдилар. Жумладан, маҳалла оқсоқоли Мирзаали Жўраев Зухур ота Маҳмудризаев ҳамда Хусан Шомуродовга қимматбаҳо совғалар топширди. Бугун, яъни 5 январь куни ўзининг табаррук 99 ёшини қаршилайдиган Солиҳ бобо Абдуллахўжаевга эса зар чопон кийдирилди.

Топиб айтилган сўз, оқилона қилинган хайрли иш ҳеч қачон беиз кетмайди. Аксинча, миллионлаб миннатдор қалблардан мустақкам жой олиб, тарих саҳифаларида абадий муҳрланиб қолади. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи нафақат ўзбеклар, балки, мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган, миллий қадриятларимизни, инсоний ҳислатларни улуғловчи урф-одатларимизни тўғри тушуновчи ва кадрловчи ҳар бир миллат вакилининг қалб изҳори эди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Юртбошимизнинг бу оқилона таклифи Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси томонидан маъқуллаб қутиб олинди ва қизгин қўллаб-қувватланди.

Юртимизга ҳали янги йил ташриф буюрмасиданоқ минглаб маҳаллаларда табаррук қарияларнинг ҳурмат-иззатларини жойига қўйиш, эл-юрт, жамият равнақи йўлидаги

кўп йиллик самарали меҳнатларини қадрлашга қаратилган тадбирлар белгиланиб, амалга оширишга киришилди. Ана шундай хайрли тадбирларнинг бири «8-Бўз» маҳалласида бўлиб ўтди.

Аввало, маҳалланинг ўз-ўзини бошқариш куйи бўғини сифатида амалга ошираётган ибратли ишлари хусусида икки оғиз сўз айтиш жоиз. Маҳаллада яшовчи қайси фуқаро билан суҳбатлашманг, 2001 йилдан гоёта мамнун эканлигини изҳор этади. Ҳақиқатдан ҳам ўтган йили маҳаллада катта ўзгаришлар юз берди. Маҳалла янада ободланди. Чойхона, ошхона каби янги қурилган кўркам маиший хизмат бинолари гузар кўрмага кўрк қўшди. Маҳалла кўмитасининг фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Ҳукуматнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сиёсатини аҳолига кенг тушунтириш, турли тўй-ҳашамларни ихчам, қизиқарли қилиб ўтказиш тадбирлари янги раҳ ва мазмун касб этди.

Гузардаги янги, шинам чойхона маҳалла қариялари мириқиб хордик чиқарадиган масканга айланди. Улар бу



СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) Топиб ота Юсупов, Зухур ота Маҳмудризаев, Топиб ота Тўлаганов газеталарда чоп этилган кундалик хабарлар билан танишмоқдалар; маҳалла оқсоқоли Мирзаали Жўраев 99 ёшли қария, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Солиҳ бобо Абдуллахўжаевни табаррук ёши билан қутлаб, совға топширмоқда.

Александр АБАЛАН олган суратлар.

«НЕФТЧИ» МОСКВА САФАРИ ТАРАДДУДИДА

Мамлакатимиз ўн биринчи миллий чемпионати очилишига икки ойдан кўп вақт бўлса ҳам, жомалар мавсумга қизгин тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Ўнинчи миллий чемпионат голиби «Нефтчи» жамоаси ўзининг расмий ўйинларини январь ойининг иккинчи ярмида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги мусобақаларида иштирок этишдан бошлаб, биринчи учрашувни 19 январда Москванинг «Спартак» жамоасига қарши ўтказди.

Ҳар йили Москва шаҳрида ўтказиладиган ушбу ўйинлар тартиби бу йил ўзгартирилди. Энди 16 жамоа одатдагидек икки табақада беллашмай, тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақани бошлайди. Кейинчалик учрашувлар олимпия тизими тартибида давом эттирилади.

«Нефтчи» «А» гуруҳида Москванинг «Спартак», Молдованинг «Шериф», Арманистоннинг «Пюник» жамоалари билан баҳс юритади. У иккинчи ўйин-

ни 20 январда арманистонлик футболчиларга қарши ўтказди, Молдова футболчилари билан бўладиган сўнгги учрашув 22 январга белгиланган.

Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўлланма оладилар. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубогининг мукофот жамгармаси 100 минг АҚШ доллари миқдоридан белгиланган. Бу мусобақада мамлакатимиз вакилига омад тилаймиз.

Тальят ЮСУПОВ.



Вилоят Маданият ишлари бошқармаси тизимидаги шаҳар ва туман маданият ишлари бўлимлари, жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда байрам дастурини ишлаб чиқдилар.

– Янги йилнинг кириб келиши ҳаммиса ва ҳар доим болажонларимизга бир олам шоду-хуррамлик бахш этаётир, – дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Солиҳов. – Байрам кунлари кичкинтойлар ажойиб мўъжизалар, гаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўлишади. Айниқса, Қорбобо ва Қорқиз улашадиган Пре-

ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА

зидент совғаларидан ўқувчилар гоётада мамнун.

Томошалар, сайллар ва шодиёналар вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва туманлари марказларида уюштирилди. Ангрэн, Бекобод, Янгийўл шаҳарларининг маданият ва истирохат боғларида эса, мактаб ўқувчиларининг «Қишки таътил совринлари» номли оммавий, қизиқарли спорт мусобақалари ҳамда Янги йил

томошалари давом этмоқда.

Шунингдек, барча шаҳар ва туманларимизда «Ассалом, Янги йил!» театрлаштирилган тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Бунда томошабинлар Қорбобо, Қорқиз, Доно бобо, Оқилахон каби эртақ қаҳрамонлари билан учрашмоқдалар. Байрам шодиёналари 2002 йилнинг 10 январига қадар давом этади.

Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш автосаройи

очик турдаги акциядорлик жамияти

акциядорларнинг навбатдан ташқари мажлиси

2002 йил 16 январда соат 9.00да автосарой мажлислар хонасида ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ

1. Тошкент вилояти автосаройи ОТАЖ раислигига кузатув кенгаши томонидан тайинланган Ш.С.Сайдалиев номзодини тасдиқлаш.
2. Автосарой АЖ бошқаруви таркибига ўзгартиришлар киритиш.
3. Автосарой фаолиятини барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида.

ОТАЖ Бошқаруви раиси маърузаси.

Тошкент вилояти автосаройи ОТАЖ кузатув кенгаши.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Иқлим ўзгариши муаммолари

Жаҳондаги ўн етти йирик академия дунё сиёсатчиларини иқлим ўзгариши борасидаги Киото протоколи ижросини таъминлашга чақирди.

Олимлар 178 мамлакат томонидан қўллаб-қувватланган бу протоколни дунёни табиий офатлардан сақлаш йўлидаги биринчи жиддий кадам сифатида баҳолади. Австралия, Белгия, Бразилия, Канада, Хитой, Франция, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Ирландия, Италия, Малайзия, Янги Зеландия, Швеция, Туркия ва Англия миллий академиялари табиат ҳозиргидек тез суръатда ифлосланишига йўл қўймаслик керак, барча давлатлар бу муаммони ечиш учун ҳамжиҳат ҳаракат қилсин, деган мазмунда баёнот тарқатди. Бу баёнот БМТ ҳузуридаги Давлатлараро иқлим ўзгариши ташкилотининг ҳаво исиб бораётгани туфайли ривожланган давлатларни бу муаммога эътибор қаратишга ундовчи протоколдан сўнг қабул қилинди.


Мазкур протокол уч минг олим ва қўллаб-қувватлаган метеорологлар томонидан тузилган. Олимларнинг фикрича, дунёда ҳаво ҳароратининг одатдагидан ошиб кетаётганига ишлаб чиқариш чиқиндилари сабаб бўлмоқда. Қўллаб-қувватлаган арзон технологиялардан фойдаланади. Натижада атмосферага катта миқдорда зарарли газлар чиқади. Бу газларнинг зарарли томони шундаки, улар кўёшдан келаётган иссиқликнинг қайта коинотга чиқиб кетишига тўсқинлик қилади. Натижада ҳарорат ошиб, бутун сайёра бугхонага айланади. Дунё мамлакатлари бундай ҳодисанинг олдини олмоғи, яъни ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг қўлдан да жалб этиб, зарарли газларни камайтирмоғи керак.

Киото протоколи ривожланган

давлатлар зиммасига келаси 11 йилда газ чиқиндиларини 5,2 фоиз камайтириш мажбуриятини юклайди. Бироқ, олимларнинг айтишича, бу жуда кам миқдор. Чиқиндилар 5 эмас, 50 фоиз камайтирилиши лозим. Лекин ана шу 5 фоиз ҳам ҳозир кўп баҳс-мунозараро норозиликларга сабаб бўляпти. Чунки чиқиндини камайтириш ўз-ўзидан ишлаб-чиқариш ҳажмини қисқартиришни тақозо этади. Бу эса мамлакатларнинг иқтисодий манфаатларига зиддир.

**Абдуфаррух Тўраев,
Уза шарҳловчиси.**

ОҚСОҚОЛ АВТОМОБИЛЬ



Илк автомобиль тафсинига бельгиялик руҳоний Фердинанд Фербист (1687 йилда вафот этган)нинг қайдларида дуч келиш мумкин. Пар воситасида ҳаракатга келтирилувчи, узунлиги 60 сантиметрдан сал ошикроқ мазкур қурилма унинг «Оврупо нажмунослиги» дея номланмиш асарига батафсил тасвирланган.

«Қалдирғоч» росмана автомобиль эса парижлик Николас Жозеф Кунё (1725 – 1804) томонидан 1769 йилда яратилди. Соатиға 3,6 километр тезликда ҳаракат қилишга қодир мазкур «оқсоқол» автомобиль айна чоқда Париждаги музейлардан бирида сақланмоқда.



Гўзал Нью-Йорк тунда ҳам гўзал.

Eng so'nggi xabarlar



Аргентинада янги президент сайланди. Буэнос-Айрес шаҳрининг собиқ губернатори, сенатор Эдуардо Дуалде мамлакатнинг янги раҳбари бўлди. Энди Э.Дуалде ўтган йилнинг охирида истеъфога чиққан президент де ла Руанинг ваколат муддати тугагунча давлат раҳбари вазифасини бажаради. Де ла Руа 2003 йилнинг 10 декабрига президентлик қилиши керак эди.

Лотин Америкасининг бир неча давлатини бирлаштирган Рио гуруҳи Аргентина халқини қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Ушбу гуруҳ аъзолари – Чили, Колумбия ва Коста-Рика мамлакатда иқтисодий танглик ҳукм сураётган пайтда аргентиналиклар билан бирга эканини таъкидлаб, бирдамлик ҳақида баёнот эълон қилди.

Бирлашган аксилтолибон fronti (БАФ) «Толибон» ҳаракати етакчиси Муҳаммад Умарни қўлга олиш тадбирини 3-4 кун кейинга суришга қарор қилди. БАФ махсус хизмати бошлиғи Ҳожи Гулолайнинг таъкидлашича, пуштун оқсоқоллари БАФдан Муҳаммад Умарнинг қўриқчиларига ўз ихтиёри билан таслим бўлиш учун яна бир имконият беришни сўраган.

Мексика кунлик қазиб олинган нефть миқдорини 100 минг баррелга қисқартирди. Мексика ҳукумати ушбу қарор билан ОПЕКнинг кунлик қазиб олинган нефть миқдорини 1,5 миллион баррелга қисқартириш ҳақидаги режасини қўллаб-қувватлашни намойиш қилди.

Покистонда президент Парвез Мушарраф иштирокида ҳукумат ва миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон билан чегарадош худудлардаги вазият муҳокама қилинди.

Шунингдек, мажлисда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги кескинликни бартараф этиш учун Жанубий Осиё минтақаси давлатларининг яқинда бўладиган анжуманидан имкон қадар самарали фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўтган ҳафта Хитойнинг Цзянси вилоятидаги мушак ишлаб чиқарадиган фабрикада портлаш юз берган эди. Хабарларга кўра, айна пайтгача қутқарувчилар вайроналардан 34 кишининг жасадини топган. Тахминга кўра, портлаш натижасида жами 140 киши ҳаётдан кўз юмган бўлиши мумкин.

МЕХАНИК ЮРАКЛИ ОДАМ

АҚШнинг Кентукки штатида гаройиб операция ўтказилди. Биринчи марта инсонга механик юрак қўйилди.

59 ёшли бемор Роберт Тулсни юрак хасталиғи безовта қилиб келар эди. Шифокорлар у диабет ва бошқа касалликлар билан оғришини ҳам аниқлади. Шу сабабдан унга донор юрагини эмас, тажриба сифатида титан ва елимдан ишланган механик юрак тақлиф қилинди. Робертнинг олдида икки йўл бор эди: ё операцияга розилик бериш, ё узоғи билан икки ойдан кейин келадиган мамотга иқроор бўлиш. У биринчисини танлади.



Роберт Тулснинг сўзларига қараганда, бошида янги юракнинг гўнғиллаган овози ва оғирлигига кўникиш қийин кечган. «Эбайокор» деб номланган янги юракнинг вазни табиий юракдан тўрт баробар катта.

Тажриба ижобий яқунланганидан руҳланиб кетган америкалик шифокорлар эса бундай операциядан яна бир нечтасини амалга оширди. Лекин операциялар муваффақиятли ўтган бўлса-да, беморлар узоқ яша олмади. Роберт ҳам операциядан кейин 151 кун яшади, холос.

**Дилшод
УЛУҒМУРДОВ.**

АСИР ТУШГАН ПРЕЗИДЕНТ

Ҳаётда инсон турли вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Лекин давлат раҳбарининг асир олиншини кўз кўриб қўлоқ эшитмаган.

Бу антика воқеа ўтган ёзда юз берди. Словакия президенти Рудолф Шустер меҳнат таътили пайти дам олгани Бразилияга келганди. Саёҳат анча қизиқарли кечиш билан бирга бироз қимматга ҳам тушди. У Амазонка чангалзорларида кезиб юрганида камон ва найзалар билан қуролланган хиндулар қабиласига асир тушиб қолди.

Биз тасодифан ўн бир қабила йўлбошчисини йиғилдиган жойга яқин келиб қолибмиз, – дейди президент кейинчалик. – Маълум бўлишича, хиндулар чақирилмаган меҳмонларга нисбатан ўта шафқатсиз бўларкан.

Шундай бўлса-да, Словакия президенти дипломатлик қобилиятини ишга солиб, озодликка чиқишга муваффақ бўлган. Хиндулар уни товон тўлаш шарти билан қўйиб юборди.

Хиндулар Рудолф Шустердан «Мерседес» автомашинаси ва сигирлар подаси талаб

қилган. Уша вазиятда Словакия раҳбарининг молиявий имкониятлари бундай харажатларни кўтаролмасди. «Улар шундай товон миқдорини белгиласдики, ўша пайтда уни ҳатто АҚШ президенти ҳам тўлай олмасди», деб эслайди Р. Шустер.

Янги йилда Р.Шустер Амазонка хиндуларига соғва йўллаб, сўзининг устидан чиқмоқчи. Соғвалар асосан чангалзорлар шароитида яшаш учун асқотадиган буюмлардан иборат бўлади.

Шустерга ҳам қойил қолиш керак. У асирликда ўзини йўқотиб қўйгани йўқ. Саёҳат пайти кинокамерани қўлдан қўймайдиган президент асирликда вақтини бекор ўтказмай, Амазонканинг ёввойи табиати, ажабтовур ҳайвонот олами, ноёб ўсимликлари ҳамда хиндуларнинг урф-одатлари, маросимларини суратга олди. Энди Словакия раҳбарининг ҳаёти ва президентлик фаолияти ҳақида олинажак ҳужжатли фильмга Амазонка чангалзорларидаги саргузаштлар ҳам қизиқарли материал бўлиб қўшилса, ажаб эмас.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

Турфа олам

Адиб тухфаси

Тўғриси айтсам, кейинги пайтларда хотинимнинг раъйига қарайвериб, анча суюлтирвордим. Ота-боболаримиз бекорга айтишмаган экан «Хотинга бўш келсанг, бошингда ёнғоқ чақади», деб.

Янги йил киришига икки кун қолган, шанба эди. Пешинги овқатни еб бўлиб, битта сигаретни оғзимга қистирдимда, диванга чўзилдим.

– Дарров думаламанг, – деди тош ойна олдида соч тараётган Тўтихон.

– Ҳа, нима дейсан? – сўрадим эриниб.

– Битта ўртоғим меҳмонга чақирган, ўшаникига бориб келамиз.

Кун бўйи уйда ўтириб, кўча хумор қилганди, дарров рози бўлдим. Эр-хотин отланиб йўлга тушдик. Тўтихон гўё сирпанчиқ музнинг устидан кетаяпти-ю, тойиб кетишдан қўрқаётгандек, эҳтиёткорлик билан қадам ташларди. Ён-атрофига эса фақат кўз қири билан қарайди. Сабаби бошини буриб караса, пешанасига уйиб қўйган бир сават сочининг тахи бузилиб кетадида. Нон дўкони олдида келганимизда, хотиним мени тўхтатди.

– Забихилло ака, сўлақмондай-сўлақмондай одамлар иккала кўлимизни бурнимизга тикиб бораверамизми?

– Бурнимизга тикмасак, чўнтагимизга тикиб борамиз, – илжайиб қўйдим.

– Хо, ўз кўнглингизда хазил қилган бўлдингизда. Ўлсин агар зигиртак хазилга ўхшаган бўлса. Бировникига лозимандасиз бориб бўладими? Юринг буёққа, – Тўтихон дўконга кириб кетди.

Мен ноилож хотинимнинг кетидан эргашдим. Тўтихон сумкасидан дастурхон олиб, пештахтага ёзди. Сотувчи қизга:

– Ҳой, синглим, менга қирқта ширин кулчангиздан беринг, – деди.

– Нима қиласан шунча ширин кулчани? – сўрадим.

– Киройи нарса кўтариб боргандан кейин, кўзга кўринадиган қилиб борайликда. Чикаринг пулдан.

Чуқур хўрсиниб, ширин кулчани пулини тўладим. Тўладиму, энсам қотганича кўчага чиқиб кетдим. Кетимдан дастурхонга тугилган ширин кулчани кўтариб инқиллаб-синқиллаб Тўтихон чикди.

– Сизда инсоф бўлса, хотинингизга оғир нарса кўтариб қўймасдингиз. Олинг мана буни.

– Нималар деябсан? Тугун кўтариб юрганганима маҳаллақўйда кўрганлар нима дейди? – Менинг жаҳлимни чиқармасдан олинг дарров. – Тўтихоннинг танткилиги тутиб, шанғиллади.

– И, и, и шовқин солманг, маликам, шовқин солманг, хўп, кўтарсам кўтарақолай.

Тугунни олдимда биров кўриб қолишидан қўриқиб, атрофга олазарақ бўлганимча пилдиллаволиб кетдим. Шу пайт аксига олгандек, узокда

битта танишим кўриниб қолса бўладими. Шошиб пишиб хотинимга пичирладим:

– Тўти, хов ана рўпарамиздан оғайним келаяпти, бетга чопар одам. Мени шу аҳволда кўрса дарров мазах қилади. Ўтинаман, тугунни бирпас олиб турда, беш қадам орқага ташла.

– Нима, – лабини бурди, Тўтихон. – Зарил кегани йўқ. Мен ўйнашмидим, беш қадам

турли туман биллур идишларни-ку санаб санабга етиб бўлмайди. Буям етмагандек деворларни ола-чипор қилиб бўяб ташлашади.

Ўтирдик, ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Бир-биримизни янги йил билан қутладик, уй бекаси йўқлаб келганимиздан хурсандлигини айтди. Аммо уйда хўжайин йўқликлари, сафарга кетганликларига таассуф билдирди. Мен ҳечқиси йўқ, дегандек иршайиб қўйдим. Уй бекаси узр сўраб, чой қўйгани бўлса керак, ошхонага чикди.

миятида ишлашини айтганда, эру-хотин тамом бўлдик.

– Вой, эсим курсин, чойим нима бўлди. – Уй эгаси хиромон юриш қилиб, хонадан чикди. Мен кўзимни сузиб хотинимга қардим.

– Тўтишка, энди қоқоқ эрингизга битта маслаҳат берасиз. Ширин кулчани сизга олиб келдик деб, айтамемизми ёки ўзи билиб олармикин?

– Захрингизни уйга борганда сочарсиз!

– Ох, ох, ох! Худо хоҳласа,

– дедим хузур билан худди обинавот сўраётгандек.

Хурилико (исмларини билмаганим учун уй бекасини шундай деб аташга ижозат этгайсиз) чой дамлаб кирдилар. Бир пиёладан чой ичдик. Хуриликога суқланиб тикилиб турганимни хотиним кўриб қолди. Тезроқ туриб жуфтакни ростлашга баҳона тополмай ўтирган эканми, шу туртки бўлди.

– Хўп энди, бизга рухсат, борайлик.

– Вой, қаёққа борасизлар, овқат бошлаб юбордим, – дедилар хурилико.

– Раҳмат, алоҳида келармиз ўтирадиган бўлиб. Биз ҳам тўйдан келатган эдик, эшигингизни босиб ўтолмадик.

Бирровгина бўлса ҳам, кириб сизни кўриб ўтай дедик. Тугунимизни кўрмадингизми, тўйдан бериб юборишди, – кулди хотиним. Бизнинг хоним, ўзига етгунча устомонда, буюғини ҳам суваб кетди. Иккала дугона бири олиб бири қўйиб узок хайр-маъзур қилишди. Ниҳоят қирқта ширин кулчани кўтариб, яна кўчага чикдик. Карасам, дакки еган эмасми, хотиним чимирилиб кетаяпти. Баттар жигига тегиш учун майнавозчилик қилдим. Бўхчани орқалаб атай икки букулиб олдим. Бурним ерга тегай деди, ҳар қадам босганда ихрайман, қилигим хотинимга ёқмади. Зардаси қайнаб, ўшқирди:

– Ҳай, намуноча букчайиб кетмасангиз? Қанақа эркаксиз, шу қирқта ширин кулчани ҳам кўтаролмасангиз. Одамни номусга ўлдирмай, сал қаддингизни тиклаб юринг.

– Мени бошқа нарса ташвишга соляпти, хоним. Бу ширин кулчаларни-ку бир амаллаб уйга элтарман. Аммо шунча нонни бир ўзингиз қандай ейсиз? – деб кесатдим.

– Бўлди, сизга баҳона топилди, – бобиллаб берди хотиним. – Роса ачирсиз энди.

– Худо хоҳласа, – дедим тиржайиб, кейин бўхчани хотинимга тутқаздим, – ҳар ким ўз емагини ўзи кўтарсин.

– Кўтарсам кўтаравераман. Хоним қаро терга ботиб, бўхчани уйга кўтариб борди. Бироқ бугунги ҳодиса, дугонасининг пандлари унга сабоқ бўладими йўқми, буни келажак кўрсатади.

Фарҳод МУСАЖОН.

ҚИРҚТА ШИРИН КУЛЧА



Ҳикоя

орқага ташлайман. Қонуний ҳасмингизман.

Яхшиям автобус келиб қолди. Лип этиб автобусга чикдим. Хотинни ўтиргизиб, тугунданам қутлидим.

Автобусдан тушиб, ўнг қўлдаги катта кўчага бурилдик. Хотиним йигирманчи уйни қидиришга тушди. Баттар хунобим ошди.

– Э, ҳали ўртоғимни уйини кўрмаганман дегин. Устимда юким бўлмаганда ҳам майлийди, қидириб юраверардик.

Ниҳоят йигирманчи уйни ҳам топдик. Бу тўққиз қаватли катта бино экан. Хотиним тантанавор буйруқ қилди:

– Айтмабмидим сизга. Ўртоғим тагли-тугли аёллардан деб, қани, бўшашмасдан юринг чаққонрок.

Хотин олдинда, мен орқада тугун кўтариб, ҳашаматли бинонинг ичига кириб бордик. Саккизинчи қаватга кўтарилиб, ўн бешинчи квартира олдида тўхтадик. Тўтихон эшик кўнгиригини босди. Зум ўтмай, остонада ўрта ёшлардаги айна шарбатга тўлган момикдеккина аёл пайдо бўлди.

У бизни илик қарши олиб, уйига таклиф этди. Мен «оқимни» дахлизда қолдириб, хотинимнинг ортидан меҳмонхонага кирдим. Уй бекаси нафақат сулув, устига-устак анча дидли аёл экан. Буни мен уй тутишидан билдим. Хонада ортиқча биронта буюм йўқ. Ҳаммаёқ саранжом-саришда. Ростда, баъзи хонадонларга кирсангиз, оғзингиз очилиб қолади: кўша-кўша гиламлар, сервантда юзлаб пиёла, чойнақлар,

Хотиним керилиб менга боқди.

– Кўрдингизми, камиди икки минг доллар туради зираги.

– Ҳа, жуда тиниқ нарса экан, – дедим. Хотиним зиракни мақтаяпти деб ўйлаб, бош силтади. Уй бекаси кириб, дастурхон безади, бироз уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик. Кейин назаримда гап асосий мавзуга кўчди.

– Мен бир нарсага хайронманда, – сўз бошлади уй бекаси, кўрмагурнинг овозиям ёмон ёқимли экан, эшитиб тўймайсан, – инсон ақл-заковати фаройиб тилсимотларни очаётган бир даврда баъзилар ҳалиям эскилик урф-одатларига ёпишиб олган. Мана олинг, тўйларимизни ким ўзарга ўйнагандек бир биридан оширишга ҳаракат қиладилар. Натижада қанчадан-қанча исрофгарчиликка йўл қўйилади.

– Асти гапирманг, – деди Тўтихон анчайин тушкун овозда.

– Энди меҳмондорчилик масаласига келайлик. Ўзбек меҳмонга сира қуруқ бормаиди. Бу яхши, андишали халқимиз. Аммо, керакли нарса олиб боради, мезбон кунига яратсин демаймиз. Албатта, бир бўхча нон кўтариб борамиз. Катта оила бўлганида, шунча нонни ейолмайди. Натижада исроф қилиб, ташлаб юборади ёки молга беради. Уволни билмаймиз.

Оловим чиқиб, ер тагидан хотинимга кўз қиримни ташладим. Тўтихон сир бой бермасликка қанча ҳаракат қилмасин, ранги ўзгарди. Уй бекаси неча йиллардан бери маънавият жа-

Қари билганини пари билмас

◆ Қайси оилада ўзаро хурмат ва ширин сўз одат экан, у хонадон доимо нурга тўла ва файзли бўлади.

◆ Бола тилини она тушунади, чунки боланинг тили аввало, она тилидир.

◆ Эл хурматини тиласанг, элни хурмат қил, энг муҳими ҳалол меҳнат қил.

◆ Ота-она ўртасидаги чин инсоний хурмат ва муҳаббат фарзандлари учун бебаҳо меросдир.

◆ Ширин ва тоза мева тиласанг, дарахтни ниҳоллигидан парвариш қил. Оқил ва одобли фарзанд истасанг, уни мурфаклигидан яхши тарбия қил.

Раҳимжон
УСМОҲОВНИНГ
«Саодатнома»
китобидан.

Бекажон

БИЛЛУР ДОИМ ЯРАҚЛАСИН

● Агар бир чой қошиқ борани бир литр сувга солиб, унда биллур идишларни ювсангиз, доимо яраклаб туради.

● Жинси матосидан тайёрланган кийим-бошлар ювгандан сўнг ранги ўчмаслигини хоҳлайсизми? Унда беш литр сувга бир пиёла сирка қўшиб ювишни унутманг.

● Олма ва қорақатдан тайёрламоқчи бўлган ноз-неъматингизга ванилин қўшиб юборсангиз, унинг ҳиди ниҳоятда ёқимли бўлади.

● Атиргулни гуллар кироли деб аташади. Лекин, унинг ҳам ўзига хос инжиқликлари бор. Айниса, қутилмаганда сўлиб қолиши ҳам кузатилган. Шунинг учун атиргулни шаффоф, катта вазага солиб қўйинг. Сув иложи бўлса илиқроқ бўлгани маъқул. Хусусан, уни ҳар икки кунда алмаштириб туришни унутманг. Гулнинг пастки, сув ичида қолган қисмидаги тикани ва барглари олиб ташланг. Гуллар шунда узок вақтгача сўлимай туради. Агар заранг дарахти шохчаларини солиб қўйсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади. Сув ёқимли бўлиши учун унга лавр япроғи, ялпиз ташлаб қўйинг.

Матлуба МАҲМУДХҲАЕВА
тайёрлади.

Бўка туман ҳокимлиги томонидан Назиров Мансур номига, «Бўстон» жамоа хўжалиги худудидаги «Салом» чойхонасига эгалик қилиш учун 1996 йил 12 майда 5161 рақам билан берилган ДАВЛАТ ОРДЕРИ йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Узгросуғурта» ДАСК Тошкент вилояти дирекцияси жамоаси дирекция бўлим бошлиғи Валентина Фролова Голубга волидаи муҳтарамаси

МАРИЯ ФЕДОТОВНА
ШИШКИНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТГА ҚАРАЙ

МУССОН
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақам
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
мерказида терилди ва
саҳифоланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда де-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.